

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2020 йил 18 февраль куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Қизирик туман суди, Қизирик туманидаги “Янгиҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси О.Каримов, судья ёрдамчиси Х.Абдусаломованинг котибалигида, Қизирик туман прокурорининг ёрдамчиси А.Хайруллаев, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Ч.Назаровларнинг иштирокида [REDACTED] га оид № 1-1907-2001/4-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], 1976 йил 26 мартда Қизирик туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қизирик туман судининг 2004 йил 27 ноябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан иш ҳайининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони ўтаган, Қизирик туманидаги “ [REDACTED] ” фермер хўжалиги бошқарувчиси, Қизирик тумани, “Янгиҳаёт” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 6 февралда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2019 йил 28 декабрь куни соат 19:00 ларда ўзининг Қизирик тумани, Янгиҳаёт маҳалласида жойлашган яшаш уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан оғзаки жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг баданининг дуч келган жойларига қўллари билан бир неча марта уриб, оёқлари билан тепиб, унга соғлигининг бузулишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Сурхондарё вилоят СТЭБнинг 2019 йил 30 декабрдаги 2565-сонли хулосасига кўра [REDACTED]нинг баданида бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап кўз иккала қовоғи-ёноқ соҳаси бел соҳаси чап томони конталаш, чап кўз олмасига субконюктивал кон куйилиш, бош тепа-чакка соҳаси юмшоқ тўқимаси лат ейиши каби тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра соғликнинг 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган меъзонига кўра “Соғликнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” деб баҳоланган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] аризалар билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўраганлар.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, жабрланувчи [REDACTED] билан 1996 йилда турмуш қуриб бирга яшаб келишлиги, ўрталарида 3 нафар фарзандлари борлиги, [REDACTED] билан бирга яшаш даврида ўрталарида оилавий келишмовчилик, жанжал бўлиб туришлиги, 2019 йил 28 декабрь куни уйига фарзандлари ўқишдан келганлиги, Тошкент шаҳрида ўқийдиган кичик фарзанди [REDACTED]ни ўзи Тошкентдан уйига олиб келганлиги, соат 15 ларда укаси [REDACTED] яқинда турмушга берган қизи [REDACTED] куёви, қудалари билан меҳмонга келганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED]га меҳмонлар келганлигини, дастурхон ёзиб гўштни қовуришини айтганида, турмуш ўртоғи [REDACTED] унга “меҳмонлар янги йил куни келишсин, шу куни гўшт қовурамиз” деганлиги, жажли чиқиб турмуш ўртоғи [REDACTED]га бақирганлиги, укаси [REDACTED] буни кўриб жанжал қилса кетишини айтганлиги, сўнг турмуш ўртоғи [REDACTED] ётоқхонага кириб кетганлиги, ўзи меҳмонларни кетишга қўймасдан ўғли билан бирга овқат қилиб кузатганлиги, уйда меҳмонлар билан ўтириб 2 шиша спиртли ичимлик ичганлиги, сўнг соат 18:30 ларда меҳмонлар кетишганлиги, икки нафар фарзанди байрам муносабати билан синфдошлари билан базмга кетишганлиги, уйда кичик фарзанди [REDACTED], турмуш ўртоғи [REDACTED]лар қолганлиги, соат 19 ларда кичик фарзанди [REDACTED] билан телевизор кўриш мақсадида ётоқхонага кирганида турмуш ўртоғи [REDACTED] ётганлиги, шунда турмуш ўртоғи [REDACTED]га “сен мени меҳмонларнинг олдида менсимадинг, сен ифлос меҳмонларга қараганигда нима қиларди” деб гапирганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] унга “меҳмонларингизга қарамайман” деб гап қайтарганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] унга гап қайтараверганидан жаҳл устида унинг юзига бир-икки марта қўли билан урганлиги, чап кўзига бир мушт урганлиги, шу пайтда турмуш ўртоғи [REDACTED] боши билан деворга урилганлиги, сўнг турмуш ўртоғи [REDACTED] ташқарига чиқиб ота-онасини уйига кетиб қолганлиги, шундан сўнг турмуш ўртоғи [REDACTED] тиббиёт бирлашмасига ётганлиги, унинг изидан фарзандлари билан бориб турмуш ўртоғини уйга олиб келганлиги, ҳозир турмуш ўртоғи [REDACTED] ва фарзандлари билан бир уйда яшаётганлиги, ҳозирги

кунда турмуш ўртоғининг даволаниши учун етказилган моддий зарарни тўлиқ қайтарганлиги, жабрланувчи [REDACTED] дан кечирим сўраб у билан ярашиб олганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] ўз кўрсатувида 1996 йилда [REDACTED] га турмушга чиққанлиги, ўрталарида 3 нафар фарзандлари борлиги, [REDACTED] билан ўрталарида арзимаган нарсалар учун оилавий жанжал бўлиб келганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] уни кўп уришлиги, 2019 йил 28 декабрь куни кечкурун соат 15-16 лар атрофида уйига турмуш ўртоғи [REDACTED] инг укаси [REDACTED] ва унинг кудалари келганлиги, шу вақтда турмуш ўртоғи [REDACTED] унга гўшт ковуришини айтганлиги, ўзи меҳмонларга дастурхон тузаганлиги, гўшт музлатгичда музлаб ётганлигини айтганида турмуш ўртоғим [REDACTED] изидан ошхонага кириб келиб уни ҳақоратлай бошлаганлиги, унинг гапларига эътибор бермасдан гўштни музлатгичдан олиб қозонга солиб ковураётганида турмуш ўртоғи [REDACTED] уни ҳақоратлаб итариб ташқарига чиқариб юборганлиги, ўзи ётоқхонага бориб ётганлиги, соат 19 ларда меҳмонлар кетганидан сўнг турмуш ўртоғи [REDACTED] маст ҳолда укаси [REDACTED] га телефон қилиб қаердалигини сўраганлиги, у синглисининг дўконидан укаси [REDACTED] билан пиво ичаётганлигини айтганлиги, сўнг турмуш ўртоғи [REDACTED] машинада уни ҳам олиб кетишини сўраганлиги, лекин машина келвермагач турмуш ўртоғи [REDACTED] укаси [REDACTED] билан телефонда тортишиб қолганлиги ва ҳеч бир сабабсиз унга “Сен абет пайтда нима қилгандинг” деб тик турган ҳолатда оёқлари билан биқин соҳасига, қорнига тепиб бошлаганлиги, бошининг тепа соҳасига, чап кўз соҳасига кўли билан бир неча марта уриб, ёнида турган сув ичадиган кружкани олиб бир неча марта бошининг тепа соҳасига урганлиги, уни ажратишга ҳаракат қилган кичик фарзанди [REDACTED] ҳам кўли билан силтаб итариб юборганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] яна уни қорин ва бел соҳасига тепганлиги, ўзи эмаклаб уйдан чиқиб қўшнисининг уйига ўтганлиги, қўшнисининг уйида тинчлантирувчи дори ичиб 30 дақиқалар ётганлиги, сўнг отаси билан онаси машинада туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги, 7 кун тиббиёт бирлашмасида ётиб даволанганлиги, соғлиги яхши бўлмаганлиги сабабли Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги шифохонага 10 кун даволанганлиги, ҳозирги кунда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан бир уйда яшаётганлиги, [REDACTED] ундан кечирим сўраб, даволаниши учун кетган ҳаражатларни қоплаб берганлиги, [REDACTED] билан ярашганлиги, ўзининг [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз

айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, судланувчи [REDACTED] судланганлик муддати ўтиб кетганлигини, айбига тўлиқ иқрорлиги, содир қилган қилмишнинг оқибатини англаганлиги, етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлиги, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашганлиги ва жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, уларга бирор-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув ўзаро ҳошишлари билан бўлаётганлигини инобатга олиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан биргаликда, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ярашув суд томонидан тасдиқланган сўнг, у мазкур иш бўйича иш юртишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84, 582-586-моддаларига асосан, суд

а ж р и м қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилсин.

[REDACTED] га тергов органи томонидан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юртишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар мазкур суд орқали ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

О.Каримов